

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АТАМУРАТОВА МУХАЙЁ ШАВКАТОВНА**

**ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ  
ИХТИОФАУНАСИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Атамуратова Мухайё Шавкатовна**

Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси ..... 3

**Атамуратова Мухайё Шавкатовна**

Ихтиофауна водоёмов бассейна реки Ахангаран ..... 21

**Atamuratova Muhayo Shavkatovna**

Ichthyofauna of reservoirs in the Akhangaran river basin ..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АТАМУРАТОВА МУХАЙЁ ШАВКАТОВНА**

**ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ  
ИХТИОФАУНАСИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B162 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Улғбек Тўраевич**  
биология фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Камилов Бахтияр Ганиевич**  
биология фанлари доктори

**Жумабаев Баходир Ережепович**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Хоразм Маъмун академияси**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «14» апрель куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz))

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 36 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «01» апрель куни тарқатилди.

(2021 йил «01» апрелдаги 7 - рақамли реестр баённомаси)

**Д.А. Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**А.Э.Кучбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолиси сонининг доимий равишда ортиб бориши натижасида инсониятнинг озиқ-овқатга, хусусан оқсилга бой гўшт ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам тобора ортишига олиб келмоқда. Овланадиган балиқларнинг асосий қисми инсонлар томонидан озиқ-овқат сифатида истеъмол қилиниб, қолган қисми эса балиқ уни, ёғи ва озуқавий кўшимчаларга айлантирилади, шунингдек чорва моллари учун озуқа ҳамда фармацевтика соҳасида қўлланилади. Бу ўринда, балиқ ресурсларини сақлаш, маҳсулдорлигини ошириш, захираларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини яратишга, истеъмол бозорини тўлдиришга бўлган эҳтиёжнинг юқори эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунга кўра, сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш, балиқ ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш йўллариини излаб топиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда балиқ ресурсларининг сақланишини таъминлашга, балиқларни урчишиб кўпайтириш эвазига юқори маҳсулдорликка эришиш, балиқ захираларидан самарали фойдаланиш тизими ва чораларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, балиқларнинг классификацион тизими ишлаб чиқилди, ресурсларнинг тақсимланиши ва овланиш ҳажми бўйича биоинформацион маълумотлар базаси яратилди. Балиқ овининг катта қисми ички сув ҳавзаларига тўғри келиши боис, балиқлар фаунасини инвентаризация қилиш, уларнинг ҳозирги замонавий ҳолатини баҳолаш, балиқ ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш устивор вазифа бўлиб, ушбу йўналишда илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Республикамизда аҳолининг эҳтиёжи ва бозор талабларидан келиб чиқиб, балиқчилик тармоғини ривожлантириш, бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг ресурсларидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Бу борада жумладан табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ҳажмини ошириш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, «...юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»; «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республиканинг сув ҳавзаларида балиқларнинг тур таркибини аниқлаш, ҳолатини баҳолаш, уларга нисбатан бўлаётган салбий ҳолатлар даражасини ва сабабини аниқлаш ҳамда балиқ ресурсларидан барқарор фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ 2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ихтиофаунанинг замонавий ҳолатини баҳолаш, балиқларнинг биологияси, экологияси, ва балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича W.J. Rainboth (1991), M. Kottelat (2006), J.S. Nelson (2006), L.R. Parenti (2008), A. Mamcarz et. all (2008), I. Sharma (2010), N.Akhtar et. all (2010), S. Shafi et. all. (2012), F. Yazdani-Moghaddam et. all (2015), B.W. Coad (2015), Y. Xing (2016), D. Ghosh and J.K Biswas (2017), A. Wahab (2017), K. Hasegawa (2019) каби хорижий олимлар томонидан қатор изланишлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ихтиофауна, хусусан, балиқларнинг биологияси ва экологик хусусиятларига доир А.З. Витковский (2000), Ф.В. Климов (2007), А.С. Корзун (2011), В.Д. Никитин (2010), Н.В. Ильмаст (2012), К.К. Коткин (2012), В.И. Романов (2014), Ю.В. Слынько, В.Г. Терещенко (2014) П.А. Попов (2015) лар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда мазкур соҳада Г.К. Камиллов (1973), А.А. Аманов (1985), Л.П. Павловская (1990), Т.В. Салихов (1990), И.С. Тагаев (1991), Б. Хакбердиев (1994), М.Ф. Вунцеттель (1994), У.Т. Мирзаев (1994), Г.М. Сайфуллаев (1995), М.Т. Эргашева (1997), Н.К. Атабаева (1997), Э.Ш. Гафуров (2003), Э.Э. Хуршут (2006), Б.Е. Жумабаев (2006), М.А. Юлдашов (2019), Б.Г. Камиллов (2019)лар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бирок, юқоридаги тадқиқот ишлари Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари шароитида олиб борилмаган, илгариги тадқиқотлар эса ўтган асрнинг ўрталарида олиб борилган бўлиб балиқ ресурсларининг замонавий ҳолатини ўзида акс эттирмайди. Шунга кўра, балиқларнинг тур таркиби, тақсимланиши, экологик хусусиятлари ўрганиш ҳамда балиқ ресурсларидан барқарор фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-20170920204 “Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий худуди сув ҳавзалари балиқ ресурсларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва улардан

барқарор фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси (2018-2020) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг гидробионт организмлари ва ихтиофаунасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, овладидиган балиқларининг экологик хусусиятларини таҳлил этиш ҳамда балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари гидробионт организмларининг тур таркибини аниқлаш;

фитопланктон ва зоопланктон организмларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва табиий озуқа ресурслари ҳолатини баҳолаш;

Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари балиқлар фаунасининг тур таркибини аниқлаш;

иктисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг экологик хусусиятларини (ёши ва ўсиш суръатлари, кўпайиши) тадқиқ қилиш;

Туябўғиз сув омбори балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари гидробионт организмлари ва балиқлари фаунасининг турлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг табиий озуқа базаси, гидробионт организмларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, балиқлар фаунаси, иктисодий аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг ёши, ўлчамлари, ўсиш суръатлари, жинсий вояга етиши, етуклик даражаси ва серпуштлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гидробиологик, ихтиологик, корреляцион, регрессион ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 4 туркум, 12 оила, 30 уруғга мансуб 33 тури аниқланган;

илк бор Оҳангарон дарёси ҳавзаси турлар хилма-хиллиги 4 тур балиқ – *Gobio synocephalus*, *Triplophysa dorsalis*, *Ictalurus punctatus*, *Esox lucius* билан бойиганлиги аниқланган;

Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида аввал мавжуд бўлган 4 тур балиқ – *Pelecus cultratus*, *Aristichthys nobilis*, *Hemiculter lucidus*, *Ictiobus cyprinellus* ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган қорақўз (*Ballerus sapa*) тури ҳозирда учрамаслиги аниқланган;

балиқлар таркибининг миқдор жиҳатдан дарё бўйлаб тақсимланиши табиати бир текис эмаслиги, унинг алоҳида қисмларининг гидрологик шароитлари ва балиқларнинг экологик хусусиятлари билан белгиланганлиги аниқланган;

балиқларнинг мутлоқ серпуштлиги қонуний равишда уларнинг ёши, тана узунлиги ва вазнига боғлиқ ҳолда ошиб бориши исботланган;

Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида сўнги 30 йил ичида биринчи марта балиқ ресурслари ҳолати баҳоланган ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сув ҳавзаси табиий озуқавий ресурслардан самарали фойдаланишга ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг репродуктив хусусиятларига оид маълумотлар асосида балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

гидробионт организмларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлар асосида сув биоценозларининг ҳозирги экологик ҳолати баҳоланган;

балиқ ресурслари ҳолати ва уларга путур етказадиган омиллар аниқланган ва балиқ захираларининг қайта тикланишини таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва сақлаш мақсадида балиқ етиштиришнинг Туябўғиз сув омборига мослаштирилган кўл балиқчилигини барқарор юритиш асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган гидробиологик ва ихтиологик усул ва ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, маълумотларни замонавий дастурлар асосида корреляцион, регрессцион ва статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оҳангарон дарёси сув ҳавзаси гидробионт организмлари, ихтиофаунаси тўла таҳлил қилинганлиги ва замонавий ҳолати баҳоланганлиги, янги турларнинг қайд қилинганлиги, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг репродуктив хусусиятлари тавсифланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Оҳангарон дарёси сув ҳавзаси балиқ ресурслари ҳолати баҳоланганлиги ва маҳаллий ихтиофаунага таъсир кўрсатмаган ҳолда балиқ маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган, сув ҳавзаси биологик ресурсларини сақлаш, улардан барқарор ва самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

маҳаллий ихтиофаунага таъсир кўрсатмаган ҳолда балиқ маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган, сув омборлари шароитига мослаштирилган кўл балиқчилиги интенсив усулларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар “Нуриддин Озодбек”, “Эркин балиқ ҳавзаси”, “Гулистон балиқ ҳавзаси” ва “Фаунани сақлаш” МЧЖ балиқчилик амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги № 02/022-3907-сон маълумотномаси). Натижада, кўллар, сув омборлари ва балиқчилик ҳовузларида балиқларнинг репродуктив



хусусиятлари ва сув ҳавзаси табиий озуқа базасининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда 1 гектарга 80-100 граммлик балиқ чавоқларини ўтказиш (балиқлантириш) 30 тонна қўшимча балиқ маҳсулотлари олиш имконини берган;

Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасига мансуб 4 туркум, 12 оила, 26 авлод, 26 турга мансуб жами 878 та намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 10 ноябрдаги 4/1255-2444-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд балиқлар коллекцияси фондини янги намуналар билан бойитган ва балиқлар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ва турларни систематик таҳлил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 2 та республика ва 5 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оҳангарон дарёси ҳавзасининг таснифи**» деб номланган биринчи бобида Оҳангарон дарёси ҳавзасининг географик жойлашиши, иқлим шароитлари тупроқ ва ўсимлик қопламлари келтирилган. Оҳангарон дарёси ва сув омборларининг гидрологик режими ва сувнинг гидрохимиявий таркиби баён этилган бўлиб, унда сув ҳавзасининг тўйиниши, сув оқими ва унинг сарфи, ҳарорати, шаффофлиги, минераллашиш ва оксидланиш даражаси ҳамда сувдаги эриган кислороднинг миқдори, сув туби чўкиндиларнинг табиати гидро ва ихтиофаунани ривожланиши нуқтаи назардан таҳлил этилган ҳолда келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Гидробионт организмлар ва балиқларни ўрганиш услублари, тадқиқот материаллари**» деб номланган

бўлиб, унда сув биотаси организмлари ва ихтиофаунасини тадқиқ қилиш бўйича йиғилган материаллар, маршрут ва стационар тадқиқотлар ўтказилган жойлар ҳамда қўлланилган услублар хақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2018-2020 йиллар давомида Оҳангарон дарёсининг юқори қисмидан бошлаб Сирдарёга қуйилишигача (дарёнинг тоғли, тоғ олди ва текислик зоналарида 200 км дан ортиқ масофада ҳамда Оҳангарон ва Туябўғиз сув омборида олиб борилган. Ушбу даврлар мобайнида гидробиологик намуналар умумий қабул қилинган усуллар бўйича тўпланди (Усачев, 1961; Киселев, 1969; Салазкин ва бошқ., 1984; Тальских, 1997; Мустафаева ва бошқ., 2017) Сувнинг сапроблик индексини аниқлашда индикаторли организмлар усулини қўлладик (Pantle, Buck, 1955; Sládeček (Sladecsek), 1973). Ихтиологик тадқиқотлар И.Ф. Правдин (1966) қўлланмаси бўйича олиб борилди.

Балиқларнинг ёши йиғилган тангачалари асосида лаборатория шароитида МБС-1 бинокулярлари ва “Микрофот-5ПО-1” аппарати ёрдамида аниқланди (Брюзгин, 1969; Чугунова, 1959; Стерлигова, 2016; Busacker, Adelman, 1990; Hagenmaier, 1987). Ўсиш суръатлари эмпирик маълумотлар ва қайта ҳисоблаб тиклаш усули ёрдамида аниқланди (Правдин, 1966; Bagliniere, 1990; Francis, 1990; Le Louarn, 1992).

Балиқларнинг жинсий вояга етиши, репродуктив хусусиятлари бўйича тадқиқотлар умумий қабул қилинган усулларга асосан олиб борилди (Сакун, Буцкая, 1968; Спановская, Григораш, 1976; Иванков, 1985; Crim, Glebe, 1990). Серпуштлилиги урғочи балиқлардан олинган IV-босқичдаги увилдириклар асосида аниқланди (Спановская, Григораш, 1976).

Балиқларнинг индивидуал мутлоқ серпуштлилигининг тана узунлиги, массаси ва ёшига боғлиқлиги корреляцион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқилди. ўзгарувчан белгилар ўртасидаги боғлиқлик характери аниқлаш учун регрессион таҳлил методи қўлланилди (Лакин, 1990).

Балиқларнинг таксономик рўйхати У.Т. Мирзаев, А.К. Қуватов (2020) бўйича келтирилди.

Барча тўпланган материаллар умумий қабул қилинган ихтиологик методларга мувофиқ (Зиновьев, Мандрица, 2003; Рыжков, 2013) ва биологик статистика усуллари (Рокидцкий, 1967) ёрдамида MS Excel дастурида қайта ишланди ва таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг гидробионт организмлари**» деб номланган учинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб сув биотаси организмлари (фитопланктон, перифитон, зоопланктон ва зообентос жамоалари, макрофитлар) таксономик таркиби, сифат ва миқдор кўрсаткичлари, ривожланиш ҳолатига оид тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида фитопланктон ва перифитон жамоалари турлар таркиби, уларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Оҳангарон дарёсининг фитопланктон ва перифитон жамоалари 265 (Cyanophyta – 40, Bacillariophyta – 171, Chryzophyta – 4, Chryptophyta – 1, Euglenophyta – 4, Dinophyta – 4,

Chlorophyta – 41) тур, формалар ва тур хилларидан иборат эканлиги, Оҳангарон сув омборида эса – 181 (Cyanophyta – 22, Bacillariophyta – 127, Chryzophyta – 3, Chryptophyta – 1, Euglenophyta – 3, Dinophyta – 3, Chlorophyta – 22), Туябўғиз сув омборининг фитопланктон ва перифитон жамоалари – 243 (Cyanophyta – 41, Bacillariophyta – 149, Chryzophyta – 2, Chryptophyta – 1, Euglenophyta – 5, Dinophyta – 5, Chlorophyta – 40) тур, формалар ва тур хилларидан ташкил топганлиги қайд қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

**Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларидаги фитопланктон ва перифитон жамоаларининг таксономик тузилиши**

Таксонлар	Оҳангарон дарёси			Сув омборлари				
				Оҳангарон		Туябўғиз		
	2018	2019	2020	2019	2020	2018	2019	2020
Cyanophyta	35	36	29	22	11	29	41	17
Bacillariophyta	145	157	128	127	75	103	149	111
Chrysophyta	3	3	2	3	1	2	2	1
Chryptophyta	-	1	1	1	-	1	1	1
Euglenophyta	4	4	3	3	1	4	5	3
Dinophyta	2	4	3	3	2	3	5	3
Chlorophyta	35	39	27	22	15	26	40	19
<b>Турлар сони</b>	<b>224</b>	<b>205</b>	<b>193</b>	<b>181</b>	<b>105</b>	<b>168</b>	<b>243</b>	<b>155</b>

Бобнинг иккинчи бўлимида Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларда зоопланктон жамоалари сифат ва миқдорий кўрсаткичлари, турлар таркиби келтирилиб асосан учта гуруҳдан Rotifera, Copepoda ва Cladocera иборатлиги аниқланган.

Дарёларнинг юқори оқимида зоопланктон организмлари деярли ривожланмайди, тинч оқадиган жойларда улар сушт ёки ўртача даражада ривожланади, улар асосан коловраткалар (Rotifera) ва содда ҳайвонлар билан ифодаланади. Оҳангарон сув омборида – коловраткаларнинг (Rotifera) 8 тури ва шохдор мўйловли қисқичбақасимонларнинг (Cladocera) 7 тури, Туябўғиз сув омборида эса коловраткаларнинг (Rotifera) 23 тури ва шохдор мўйловли (Cladocera) ва эшкакоёқли (Copepoda) қисқичбақасимонларнинг 10 тадан тури қайд этилди.

Сув ҳавзаларида зоопланктон организмлардан, асосан содда ҳайвонлардан – *Amoeba proteus*, *Aspidisca costata*, *Bodo sp.*, *Chilidonella cucullus*, *C.uncinata*, *Stylonichia mytilus*, *Vorticella* уруғига кирувчи ўтроқ инфузориялар, коловраткалардан эса *Colurella colurus*, *C.uncila*, *Cephalodella sp.*, *C.gibba*, *Lecane sp.*, *L.luna*, *L.bulla diabolica*, *Lepadella ovalis*, *Euchlanis dilatata*, *Rotaria cintra*, *R.rotatoria*, *Trichotria sp.*, *Trichocerca rattus carinata* қайд қилинди. Тубан шохдор мўйловли қисқичбақасимонлардан – *Alona rectangular*, *Chydorus sphaericus*, *Ilyocryptus sp.*, *Harpacticoida ge.sp.*, эшкакоёқлилардан – *Macrocylops albidus*, *Paracyclops sp.*, *Acanthocylops einslei*, *Eucyclops serrulatus*, шунингдек хирономид ва ниначи личинкалари,

нематодалар, *Macrobiotus* уруғига мансуб секинюрар организмлар учраши аниқланди.

Учинчи бобнинг учинчи бўлими зообентос организмларнинг тур таркиби ва таксономик тузилишини, уларнинг сони ва биомассасини ўрганишга бағишланган. Оҳангарон дарёсининг бентофауна намуналарда 67 турдаги сув туби организмлари, Оҳангарон сув омборида 21 тур, Туябўғиз сув омборида эса 35 тур организмлар қайд этилди. Ҳавзанинг бентофауна комплекси асосан икки қанотлилар (Diptera), хирономидлар (Chironomidae), кунликлар (Ephemeroptera), ниначилар (Odonata), булоқчилар (Hydropsyche), олигахеталар (Oligochaeta), нематодалар (Nematoda) личинкалари, қўнғизлар (Coleoptera), қандалалар (Heteroptera), ёнсузарлар (Gammarus) ва моллюскалар (Mollusca) билан ифодаланади.

Туябўғиз сув омбори бентос жамоаларининг устунлик қилувчи гуруҳлари асосан олигохета-хирономид комплекси – Tubificidae оиласининг кам тукли чувалчанг олигохеталари ва Chironomidae кенжа оиласи хирономидларнинг (*Cricotopus silvestris* ва *Chironomus thummi*) личинкаларидан иборатлиги аниқланди.

Учинчи бобнинг тўртинчи бўлимида юксак сув ўсимликлари (макрофитлар) ассоциацияларининг ривожланганлик даражаси, таркиби ва учраш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, уларнинг кўплаб ривожланиши Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг асосан қирғоқолди текислик қисмида кузатилган.

Дарёнинг қирғоқ ва қирғоқолди қисмларида оддий қамиш (*Phragmites communis*) чакалазорлари, қўға (*Thypha latifolia*), рдест турлари (*Potamogeton crispus*, *P. pectinatus*, *P. perfoliatus*, *P. pusillus*), бошоқли уруть (*Myriophyllum spicatum*), роғолистник (*Ceratophyllum demersum*), жеруха (*Nasturtium fontanum*), мох (*Fontinalis sp.*) ва сув папоротниги (*Azolla caroliniana*), денгиз наядаси (*Najas marina*), сув мохи (*Fontinalis sp.*) ва осокаларнинг турлари (*Carex sp.*) учраши қайд қилинди. Баъзи жойларда, айниқса дарёнинг қирғоқбўйи қисмида юқори сув ўсимликларидан ряскалар (*Lemna minor*), сузувчи сальвиниялар (*Salvinia natans*) ва хара сувўтларининг ассоциациялари (*Chara vulgaris*, *Ch. fragilis*) яхши ривожланганлиги қайд этилди.

Гидробионтларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини (турларнинг таркиби, таксономик тузилиши, сони ва биомассаси) аниқлаш Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари, Оҳангарон ва Туябўғиз сув омборларининг табиий озуқа ресурслари ҳолатини маълум даражада таҳлил қилиш баҳолашга имкон берди.

Диссертациянинг «**Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг экологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси тур таркиби, тақсимланиши, шаклланиши, ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг репродуктив хусусиятлари, серпуштлилигининг тана узунлиги, массаси ва ёшига

боғлиқлиги ва ўзгарувчан белгилар ўртасидаги характерининг корреляцион ва регрессион таҳлилига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси тур таркиби, тақсимланиши, шаклланиши келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Оҳангарон дарёси сув ҳавзаси ихтиофаунасида 4 туркум 12 оила 30 уруғга мансуб 33 тур балиқ, шундан, Оҳангарон сув омборида 5 тур, Туябўғиз сув омборида 22 тур балиқ қайд қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

### Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси

№	Оила, тур	Оҳангарон дарёси	Сув омбори	
			Оҳангарон	Туябўғиз
1	2	3	4	5
Cyprinidae оиласи				
1.	<i>Rhodeus ocellatus</i>	Т	-	-
2.	<i>Luciobarbus conocephalus</i>	+	-	-
3.	<i>Ctenopharyngodon idella</i>	И	-	-
4.	<i>Hemiculter leucisculus</i>	Т	-	Т
5.	<i>Carassius gibelio</i>	И	-	И
6.	<i>Cyprinus carpio</i>	+		+
7.	<i>Abbottina rivularis</i>	Т		Т
8.	<i>Gobio lepidolaemus</i>	+	+	+
9.	<i>Gobio cynocephalus</i>	Т	-	-
10.	<i>Pseudorasbora parva</i>	Т	-	Т
11.	<i>Abramis brama orientalis</i>	+	-	+
12.	<i>Alburnoides taeniatus</i>	+	-	+
13.	<i>Alburnus oblongus</i>	+	-	-
14.	<i>Hypophthalmichthys molitrix</i>	И	-	И
15.	<i>Aspius aspius iblioides</i>	+	-	-
16.	<i>Squalius squaliusculus</i>	+	-	+
17.	<i>Rutilus aralensis</i>	+	-	+
18.	<i>Opsariichthys bidens</i>	Т	-	Т
19.	<i>Schizothorax eurystomus</i>	+	+	+
Cobitididae оиласи				
20.	<i>Sabanejewia aralensis</i>	+	-	+
Balitoridae оиласи				
21.	<i>Iskandaria kuschakewitschi</i>	+	+	-
22.	<i>Triplophysa dorsalis</i>	+	-	-
23.	<i>Triplophysa elegans</i>	+	+	-
24.	<i>Triplophysa strauchi</i>	+	-	-
Ictaluridae оиласи				
25.	<i>Ictalurus punctatus</i>	И	-	И

1	2	3	4	5
	Siluridae оиласи			
26.	<i>Silurus glanis</i>	+	-	+
	Sisoridae оиласи			
27.	<i>Glyptosternon oschanini</i>	+	+	-
	Esocidae оиласи			
28.	<i>Esox lucius</i>	+	-	+
	Poeciliidae оиласи			
29.	<i>Gambusia holbrooki</i>	И	-	И
	Percidae оиласи			
30.	<i>Sander lucioperca</i>	И	-	И
	Odontobutidae оиласи			
31.	<i>Micropercops cinctus</i>	Т	-	Т
	Gobiidae оиласи			
32.	<i>Rhinogobius brunneus</i>	Т	-	Т
	Channidae оиласи			
33.	<i>Channa argus</i>	Т	-	Т
	Турларнинг умумий сони	33	5	22
	Маҳаллий турларнинг сони	18	5	10
	Иқлимлаштирилган турларнинг сони	15	0	12

Изоҳ: И – Иқлимлаштирилган турлар; Т – тасодифан келтирилган турлар; + - маҳаллий турлар.

Илгари Т.В. Салихов (1990) ва Г.К. Камиллов ва бошқ. (1994) томонидан қайд қилинган 4 тур балиқ (*Pelecus cultratus*, *Aristichthys nobilis*, *Hemiculter lucidus*, *Ictiobus cyprinellus*, ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган қорақўз (*Ballerus sapa*) ҳозирда Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида учрамаслиги аниқланди.

Оҳангарон дарёсида аниқланган 33 тур балиқлардан 4 турини – *Gobio synocephalus*, *Triplophysa dorsalis*, *Ictalurus punctatus*, *Esox lucius* илк бор Оҳангарон дарёси ҳавзаси учун қайд этилди.

Дарёнинг юқори қисмида, тоғ оқими зонасида (Оҳангарон дарёсининг юқори оқими ва унинг ирмоқлари) балиқларнинг уч тури (*Schizothorax eurystomus*, *Triplophysa elegans*, *Glyptosternon oschanini*) учраши, ихтиоценозлар дарёнинг бошидан то тоғ олди қисмигача сезиларли даражада ўзгариб туриши, тоғ олди зонаси балиқлари фаунаси бешта турдан (*Alburnoides taeniatus*, *Schizothorax eurystomus*, *Gobio lepidolaemus*, *Iskandaria kuschakewitschi*, *Triplophysa dorsalis*) иборатлиги аниқланди.

Турлар сонининг кўпи дарёнинг текис қисмида қайд этилди. Бу ерда *Abramis brama orientalis*, *Alburnoides taeniatus*, *Aspius aspius iblioides*, *Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Gobio lepidolaemus*, *Squalius squaliusculus*, *Luciobarbus conocephalus*, *Rutilus aralensis*, *Schizothorax eurystomus*, *Silurus*

*glanis*, шунингдек хитой пасттекислиги комплексининг балиқлари (*Abbottina rivularis*, *Pseudorasbora parva* ва бошқалар) учради.

Бобнинг иккинчи бўлимида иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг (*Schizothorax eurystomus*, *Cyprinus sarpio*, *Carassius gibelio*, *Rutilus aralensis*, *Abramis brama orientalis*, *Sander lucioperca*, *Silurus glanis*) экологик хусусиятларини (ёши ва ўсиш суръатлари, кўпайиши) келтирилган.


Тадқиқот натижасида барча ўрганилган иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг ёши ва узунлик кўрсаткичларининг ортиб бориши билан уларнинг ўсиш суръатларининг сусайиши қайд этилди. Ўсишнинг ошиши балиқларнинг жинсий вояга етиш давригача юқорилаб, кейин бирмунча пасайиши кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Оҳангарон дарёси қорабалиғининг ўсиш суръатлари  
(қайта ҳисоблаб тикланган маълумотлар бўйича) см**

Ёши	$l_1$	$l_2$	$l_3$	$l_4$	$l_5$	$n$
1+	8,2					1
2+	8,6	12,6				10
3+	7,2	11,6	15,9			9
4+	7,8	12,4	17,1	19,4		18
5+	8,0	12,9	17,7	20,1	22,5	7
Ўртача	7,9	12,4	16,9	19,75	22,5	
<b>Ўсишнинг ошиши</b>	<b>7,9</b>	<b>4,4</b>	<b>4,5</b>	<b>2,9</b>	<b>2,8</b>	

Балиқ танасининг узунлиги ва вазнининг ўртасида ўзаро кучли боғлиқлик ( $r = 0,923$  корреляция  $P < 0,01$  даражасида аҳамиятли) мавжудлиги аниқланди (1-расм).



**1-расм. Туябўғиз сув омборидаги кумуш товонбалиқнинг тана узунлиги ва вазнининг ўзаро боғлиқлиги**

Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларидаги иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқлар, уларнинг кўпайиш (урчиш) хусусиятига кўра – фитофиллар

(*Cyprinus sarpio*, *Carassius gibelio*, *Rutilus aralensis*, *Abramis brama orientalis*, *Sander lucioperca*, *Silurus glanis*), яъни увилдириқларини сув ўсимликлари ва сув ўсимликлари қолдиқларига қўювчилар ва литофиллар (*Schizothorax eurystomus*, *Aspius aspius iblioides*) – увилдириқларини сув туби қумтошларига қўювчилар экологик гуруҳларига бўлинади.

Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг увилдириқ сочиш даврлари баҳор-ёз ойларига тўғри келади. Урчиш жойлари сув ҳавзасининг қирғоқолди, саёз сувли чуқурлиги 40-50 см бўлган ва сув ўсимликлари билан эгалланган қисмларида жойлашган.

Уларнинг мутлақ серпуштлилиги эса балиқнинг ёши, тана узунлиги ва массасининг ошиши билан ўсиб бориши ва бунда нисбий серпуштлилиқнинг қонуний равишда ошмаслиги аниқланди (4-жадвал, 2-4-расмлар).

Балиқларнинг ёши ва тана ўлчамларини (тана узунлиги ва массаси) унинг индивидуал мутлоқ серпуштлилигига боғлиқлигини қуйидаги тенглама билан қониқарли равишда таърифлаш мумкин:

Қорабалиқ: –  $ИМС = 1412,1 \times t - 1912$  ( $r = 0,802$ ;  $P < 0,01$ )


Сазан: –  $ИМС = 27,768 \times l^{2,226}$  ( $r = 0,794$ ;  $P < 0,01$ )

Оқ сла: –  $ИМС = 150,97 \times W + 3434,4$  ( $r = 0,876$ ;  $P < 0,01$ ).

4-жадвал


**Туябўғиз сув омборидаги урғочи чавоқбалиқларнинг репродуктив хусусиятларининг кўрсаткичлари**

<i>t</i>	<i>l</i> , см	<i>W</i> , г	<i>E</i> δ, %	<i>ИМС</i>	<i>ИНС</i>	<i>n</i>
2+	$\frac{12,0-14,5}{13,4}$	$\frac{40-64}{55,6}$	$\frac{7,5-12,2}{8,8}$	$\frac{8014-17200}{120024,4}$	$\frac{152-285}{194,8}$	10
3+	$\frac{15,0-17,0}{16,2}$	$\frac{70-100}{87,1}$	$\frac{8,7-14,5}{13,6}$	$\frac{14246-21801}{18043,7}$	$\frac{178-294}{224,5}$	21
4+	$\frac{18,5-19,4}{18,7}$	$\frac{82-170}{113,1}$	$\frac{8,5-16,8}{14,6}$	$\frac{11354-30245}{20437}$	$\frac{145-400}{259,0}$	9
5+	$\frac{20,2-21,4}{20,8}$	$\frac{126-190}{156,3}$	$\frac{10,7-19,6}{16,9}$	$\frac{16102-44289}{34010,0}$	$\frac{157-460}{314,3}$	6




**2-расм. Қорабалиқнинг мутлоқ серпуштлилиги ва ёши ўртасидаги боғлиқлик**





**3-расм. Туябўғиз сув омборида сазаннинг мутлоқ серпүштлилиги ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик**



**4-расм. Туябўғиз сув омборидаги оқ сланинг мутлоқ серпүштлилиги ва тана массаси ўртасидаги боғлиқлик**


Диссертациянинг «Туябўғиз сув омбори балиқ ресурслари ҳолати ва кўл балиқчилигини юритишнинг асослари» деб номланган бешинчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида Туябўғиз сув омбори ихтиофаунасининг шаклланиши ва балиқ ресурсларининг ҳолатини баҳолаш асосида олинган натижалар келтирилган. Унга кўра дастлаб Туябўғиз сув омборининг ихтиофаунаси бирламчи сув тизими – Оҳангарон дарёси ҳисобига, кейин эса иқлимлаштирилган турлар ҳисобига вужудга келган. Бугунги кунга келиб, сув омборида асосан маҳаллий фауна вакиллари ва иқлимлаштирилган балиқлардан иборат ўзига хос ихтиофауна шаклланди.

Ҳозирги вақтда биз сув омборида балиқларнинг 22 турини қайд этдик, шундан 8 тури (*Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Abramis brama orientalis*,

*Hypophthalmichthys molitrix*, *Rutilus aralensis*, *Silurus glanis*, *Sander lucioperca*, *Channa argus*) овланиш аҳамиятига эга бўлган турлар ҳисобланади.

Йилнинг турли фаслларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра балиқ ресурслари ҳолати таҳлил қилинди. Сув омборида, 3 тур: – сазан (*Cyprinus carpio*), товонбалиқ (*Carassius gibelio*) ва оқ сла (*Sander lucioperca*) барча овланадиган балиқлар ихтиомассасининг 81,9 фоизини ташкил қилиши аниқланди. Овланадиган балиқларнинг 52,6% эса сазанга (*Cyprinus carpio*) тўғри келади (5-расм).

Бобнинг иккинчи бўлимида кўл балиқчилигини ривожлантиришнинг асослари берилган. Сув омборида кўл балиқчилигини юритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш биологик ресурсларининг табиий кўпайишига ва уларнинг яшаш муҳитига зарар етказмаслиги, кўл балиқчилиги асосида балиқларни сунъий урчитиб кўпайтириш (етиштириш) балиқ захираларини тиклаш ва сув омбори ихтиофаунасининг таркибини яхшилашга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат бўлиши кераклиги асосланган.



**5-расм. Туябўғиз сув омборидаги иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг овланиш салмоғи**

Сув омбори шароитларига мослаштирилган кўл балиқчилиги интенсив усуллари синондан ўтказилганда 30 тонна қўшимча балиқ маҳсулотлари олишга эришилди. Бу эса маҳаллий ихтиофаунага таъсир кўрсатмаган ҳолда балиқ маҳсулдорлигини ошириш имконини берди, сув ҳавзаси биологик ресурсларини сақланишини таъминлади, улардан самарали фойдаланиш имконини яратди.

## ХУЛОСАЛАР

“Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси” мавзусидаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оҳангарон дарёсининг фитопланктон ва перифитон жамоаларининг 265, Оҳангарон сув омбори – 181 ва Туябўғиз сув омбори 243 тур, тур хиллари ва формалардан иборат замонавий таркиби тавсифланди.

2. Оҳангарон дарёсидаги зоопланктон организмлар 13 турдаги коловраткалар (Rotifera) ва 15 турдаги шохдор мўйловли қисқичбақасимонлар (Cladocera) билан ифодаланади.

3. Оҳангарон сув омборида – коловраткаларнинг (Rotifera) 8 тури ва шохдор мўйловли қисқичбақасимонларнинг (Cladocera) 7 тури, Туябўғиз сув омборида коловраткаларнинг (Rotifera) 23 тури ва шохдор мўйловли (Cladocera) ва эшқакоёқли (Copepoda) қисқичбақасимонларнинг 10 тадан тури қайд қилинди.

4. Оҳангарон дарёсининг бентофаунаси таркиби 67, Оҳангарон сув омбори зообентоси – 21, Туябўғиз сув омборининг зообентос организмлари 35 турдаги сув туби организмларидан ташкил топганлиги билан ифодаланди.

5. Туябўғиз сув омборининг фитопланктонининг умумий ўртача биомассаси 143,0 мг/л ни, зоопланктон – 98,1 мг/м<sup>3</sup> ни зообентос организмларининг умумий ўртача биомассаси эса бир метр квадрат сув ҳажмида 2,44 граммни ташкил қилиши аниқланди.

6. Гидробионт организмларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари асосида сув биоценозларининг ҳозирги экологик ҳолати баҳоланди.

7. Илк бор Оҳангарон дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 4 туркум, 12 оила, 30 уруғга мансуб 33 тур балиқ аниқланди.

8. Илк бор Оҳангарон дарёси ҳавзаси турлар хилма-хиллиги 4 тур балиқ – *Gobio cynocephalus*, *Triplophysa dorsalis*, *Ictalurus punctatus*, *Esox lucius* билан бойиганлиги аниқланди.

9. Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида аввал мавжуд бўлган 4 тур балиқ – *Pelecus cultratus*, *Aristichthys nobilis*, *Hemiculter lucidus*, *Ictiobus cyprinellus* ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган қорақўз (*Ballerus sapa*) тури ҳозирда учрамаслиги аниқланди.

10. Балиқлар таркибининг дарё бўйлаб бир ҳилда тақсимланмаганлиги, дарёнинг алоҳида қисмларининг гидрологик шароитлари ва балиқларнинг экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланганлиги билан изоҳланди.

11. Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг мутлок серпуштлилиги уларнинг ёши, тана узунлиги ва массасининг ортиши билан ошиб боришининг ўзаро боғлиқлиги, нисбий серпуштликнинг қонуний равишда ошмаслиги корреляцион ва регрессион таҳлил асосида исботланди.

12. Оҳангарон дарёси сув ҳавзаларида балиқ ресурслари ҳолати кейинги 30 йил ичида биринчи марта баҳоланди ва қўл балиқчилигини юритиш асосланди.

13. Туябўғиз сув омборида қўл балиқчилигини ташкил этишда, сув ҳавзаси табиий озуқа базасидан фойдаланган ҳолда балиқ маҳсулдорлигини 55-60 кг/га гача ошириш мумкинлиги асосланди ва сазан балиғини етиштиришда, сув ҳавзасининг табиий озуқа ресурслардан нисбатан самарали фойдаланиб, юқори миқдорда балиқ маҳсулотлари олиш мумкинлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

---

**ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ**

**АТАМУРАТОВА МУХАЙЁ ШАВКАТОВНА**

**ИХТИОФАУНА ВОДОЕМОВ БАССЕЙНЕ РЕКИ АХАНГАРАН**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B162.**

Диссертационная работа выполнена в Институте зоологии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Мирзаев Улугбек Тураевич</b> кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Камилов Бахтияр Ганиевич</b> доктор биологических наук <b>Жумабаев Баходир Ережепович</b> кандидат биологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Хорезмская академия Маъмуна</b>

Защита диссертации состоится 14 апрель 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №36 Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан « 01 » апреля 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 7 от « 01 апреля » 2021 года)

**Д.А. Азимов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.б.н.,  
старший научный сотрудник

**А.Э.Кучбоев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))**

В результате постоянного роста населения мира возрастает и потребность человечества в продуктах питания, особенно в мясных и рыбных продуктах, богатых белком. Большая часть рыбного улова потребляется людьми в качестве пищи, а остальная часть перерабатывается в рыбную муку, жыр и кормовые добавки, а также используются в качестве кормов в животноводстве и сырьем в фармацевтической промышленности. В этой связи, следует отметить, что существует большая потребность в охране рыбных ресурсов, повышении их продуктивности, создание системы управления запасами и эффективного их использования, а также насыщение потребительского рынка. Поэтому, оценка современного состояния ихтиофауны водоемов, поиск путей повышения рыбопродуктивности, охраны и рационального использования рыбных ресурсов имеют важное значение.

В мире уделяется большое внимание обеспечению охраны рыбных ресурсов, повышению продуктивности за счёт воспроизводства рыб, разработке систем и мероприятий по эффективному использованию рыбных запасов. В связи с этим, в частности, разработана классификационная система рыб, создана биоинформационная база данных по распределению ресурсов и объемам уловов. Учитывая, что на внутренние водоёмы приходится значительная доля рыбодобычи, инвентаризация фауны рыб, оценка их современного состояния и разработка методов эффективного использования рыбных ресурсов являются приоритетными и требуют проведения научных исследований в этом направлении.

В республике, исходя из потребностей населения и требований рынка, большое внимание уделяется развитию рыбной отрасли, коренному совершенствованию системы управления, рациональному использованию ресурсов естественных и искусственных водоёмов. В этом плане достигнуты определенные результаты, в том числе в увеличении объемов выращивания рыбы в естественных и искусственных водоемах. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> определены задачи по «расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство ..., пород животных, обладающих высокой продуктивностью»; «предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения». Исходя из этих задач, в частности, изучение видового состава рыб водоёмов республики, оценка их состояния, определение причин и степени негативных воздействий на них и разработка путей устойчивого использования рыбных ресурсов имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных указом Президента Республики

---

<sup>2</sup> Указу Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года № УП-4947

Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года и Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2939 «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» от 1 мая 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В зарубежных странах исследования по оценке состояния ихтиофауны, биологии и экологии рыб, а также по рациональному использованию рыбных ресурсов проводились следующими учёными, такими как W.J. Rainboth (1991), M. Kottelat (2006), J.S. Nelson (2006), L.R. Parenti (2008), A. Mamcarz et al (2008), I. Sharma (2010), N. Akhtar et al (2010), S. Shafi et al (2012), F. Yazdani-Moghaddam et al (2015), B.W. Coad (2015), Y. Xing (2016), D. Ghosh and J.K Biswas (2017), A. Wahab (2017), K. Hasegawa (2019).

В странах СНГ исследования по изучению ихтиофауны, в частности, биологии и экологических особенностях рыб, проводились учёными А.З. Витковским (2000), Ф.В. Климовым (2007), А.С. Корзуным (2011), В.Д. Никитиным (2010), Н.В. Ильмаст (2012), К.К. Коткиным (2012), В.И. Романовым (2014), Ю.В. Слынько, В.Г. Терещенко (2014) и П.А. Поповым (2015).

В нашей стране в этой области проводили свои научные исследования Г.К. Камилов (1973), А.А. Аманов (1985), Л.П. Павловская (1990), Т.В. Салихов (1990), И.С. Тагаев (1991), Б. Хакбердиев (1994), М.Ф. Вунцеттель (1994), У.Т. Мирзаев (1994), Г.М. Сайфуллаев (1995), М.Т. Эргашева (1997), Н.К. Атабаева (1997), Э.Ш. Гафуров (2003), Э.Э. Хуршут (2006), Б.Е. Жумабаев (2006), М.А. Юлдашов (2019), Б.Г. Камилов (2019).

